ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM.65.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ

МАХМАНОВ УРОЛ КУДРАТОВИЧ

C_{60}, C_{70} ОРГАНИК МАКРОМОЛЕКУЛАЛАРИ ҲАМДА УГЛЕРОДЛИ НАНОТРУБКАЛАРНИНГ ЭРИТМАЛАРДА ВА БУҒЛАНАЁТГАН ТОМЧИЛАР ҲАЖМИДА ЎЗ-ЎЗИДАН ТАШКИЛЛАНИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

01.04.05 – Оптика

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2021

УДК 546.26.043; 539.23; 535

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Махманов Урол Кудратович
C_{60}, C_{70} органик макромолекулалари ҳамда углеродли нанотрубкаларнинг эритмаларда ва буғланаётган томчилар ҳажмида ўз-ўзидан ташкилланиш механизмлари..... 3

Махманов Урол Кудратович
Механизмы самоорганизации органических макромолекул фуллеренов C_{60}, C_{70}, а также углеродных нанотрубок в растворах и в объёме испаряющихся капель..... 25

Makhmanov Urol Kudratovich
The mechanisms of self-organization of organic macromolecules of fullerenes C_{60}, C_{70}, as well as carbon nanotubes in solutions and in the volume of evaporating droplets 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 51

ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM.65.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ

МАХМАНОВ УРОЛ КУДРАТОВИЧ

C_{60}, C_{70} ОРГАНИК МАКРОМОЛЕКУЛАЛАРИ ҲАМДА УГЛЕРОДЛИ НАНОТРУБКАЛАРНИНГ ЭРИТМАЛАРДА ВА БУҒЛАНАЁТГАН ТОМЧИЛАР ҲАЖМИДА ЎЗ-ЎЗИДАН ТАШКИЛЛАНИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

01.04.05 – Оптика

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2021

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.DSc/FM169 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ион-плазма ва лазер технологиялари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (http://iplt.uz/) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	**Коххаров Абдулмуталлиб Мамаджанович** физика-математика фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	**Нематов Шерзод Каландарович** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Пайзиев Шермухаммад Далиевич физика-математика фанлари доктори, кат.и.х.
	Рахматуллаев Илёс Арзимуродович физика-математика фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	**Ўзбекистон Миллий университети**

Диссертация ҳимояси Ион-плазма ва лазер технологиялари институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM.65.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «28» май соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100125, Тошкент ш., Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй. Тел./факс: (99871) 262-32-54, e-mail: info@iplt.uz, Ион-плазма ва лазер технологиялари институти мажлислар зали).

Диссертация билан Ион-плазма ва лазер технологиялари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (5 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100125, Тошкент ш., Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй. Тел./факс: (99871) 262-31-69.

Диссертация автореферати 2021 йил « 12 » май куни тарқатилди.

(2021 йил « 12 » май даги 5 рақамли реестр баённомаси).

Х.Б.Ашуров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

И.Д.Ядгаров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д. катта илмий ходим

Б.Е.Умирзаков
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси (DSc) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда жаҳонда, углероднинг наноўлчамли янги аллотроп шаклларининг, хусусан C_{60}, C_{70} фуллеренлари ва углеродли нанотрубкаларнинг эритмалардаги физик хусусиятларини тадқиқ этишга қизиқиш доимий равишда ошиб бормоқда. Эритмалардаги фуллерен молекулаларининг ва углеродли нанотрубкаларнинг ўз-ўзидан ташкилланиши натижасида олинган нанокластерлар ва наноструктуралар ноёб истиқболли нанообъектлар сифатида намоён бўлади ва янги функционал наноматериалларни олиш учун зарур хом-ашё ҳисобланади. Шу жиҳатдан суюқ системаларда наноўлчамли объектларнинг ўз-ўзидан ташкилланиш ва ўз-ўзидан йиғилиш жараёнларини тадқиқ этиш замонавий физиканинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Сунгги йилларда эритмалардаги моддаларнинг молекуляр ўз-ўзидан ташкилланиш жараёнларини ўрганишга, хусусан, эритмаларнинг буғланаётган томчилари ҳажмида наноўлчамли структураларни синтез қилишга катта эътибор берилмоқда. Бундай тадқиқотларга қизиқишнинг тобора ортиб бориши, биринчи навбатда, ноёб физик-кимёвий хусусиятларга эга наноматериаллар олишнинг янги юқори самарали усулларини яратиш, шунингдек, улар асосида турли кўп функцияли қурилмаларни яратиш истиқболлари билан боғлиқ.

Ўзбекистонда наноўлчамли материаллар ҳақидаги замонавий фанни ривожлантиришга, хусусан, турли хил наноструктурали объектларни синтез қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон олимлари томонидан наноструктурали материалларнинг бошқариладиган синтези бўйича муҳим натижалар олинди. Уларнинг ўлчам хусусиятлари ҳамда ночизиқли оптик хоссалари аниқланди. Ўзбекистон Республикасини 2017-2020 йилларда ривожлантириш стратегиясига асосан «илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятларни рағбатлантириш, илмий-инновацион ютуқларни амалиётга тадбиқ этишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш»[1] вазифалари белгилаб берилган. Шунга кўра, C_{60}, C_{70} фуллеренлари органик макромолекулаларининг, шунингдек углеродли нанотрубкаларнинг ҳам эритмаларда, ҳам эритмаларнинг буғланаётган томчилари ҳажмида ўз-ўзидан ташкилланиш жараёнларининг физик механизмларини тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармонида, Президентнинг 2017 йил 17 февралдаги “Фанлар Академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-2789-сонли

[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

фармонларида ва тегишли қонунчилик ҳужжатларида ифодаланган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга диссетрация иши маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мос ҳолда амалга оширилган: II. «Физика, астрономия, энергетика и машинасозлик.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи[2].

Суюқ системаларда фуллеренлар молекулаларининг ва углеродли нанотрубкаларнинг ҳам яккаланган, ҳам агрегацияланган ҳолатларидаги хусусиятларига доир илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида олиб борилмоқда, жумладан: Florida State University (АҚШ), Nagoya University (Япония), Hanyang University (Жанубий Корея), Tsinghua University (Хитой), University of Huddersfield (Буюк Британия), В.Н. Каразин номидаги Харьков миллий университети (Украина), Тарас Шевченко номидаги Киев миллий университети (Украина), Москва Давлат Университети (Россия), А.Ф. Иоффе номидаги Физика-техника институти (Россия), Жануби-Ғарбий Давлат Университети (Россия), Курчатов институтининг миллий тадқиқотлар маркази (Россия), Ўзбекистон республикаси Фанлар академиясининг Ион-плазма ва лазер технологиялари институти.

Ҳозирги вақтда бу соҳадаги қатор муҳим вазифалар ечилган, хусусан фуллеренларнинг эритувчиларда эриши ҳамда эритмаларининг молекулярдан коллоид ҳолатга ўтишининг кластерли модели назарий тадқиқ этилган (Tsinghua University, University of Huddersfield, Курчатов институтининг миллий тадқиқотлар маркази). Углеродли нанозаррачаларнинг турли концентрациялардаги кенг диапазондаги эритмалардаги ҳолатининг тажрибалардаги тадқиқи ҳамда улар асосида янги наноўлчамли структуралар олиш бўйича ишлар В.Н. Каразин номидаги Харьков миллий университетида, Тарас Шевченко номидаги Киев миллий университетида, Москва Давлат Университетида, А.Ф. Иоффе номидаги Физика-техника институтида ҳамда Ион-плазма ва лазер технологиялари институтида олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Фуллеренлар ва углеродли нанотрубкаларнинг структуравий хусусиятлари ва асосий физик хоссаларини ўрганишга фаол қизиқиш уларни грамм миқдорида синтез қилиш

[2] Preparation and UV/visible spectra of fullerenes C_{60} and C_{70} // Chemical Physics Letters. 2013. Vol. 589, pp. 57–60, Diameter-Dependent Band Gap Modification of Single-Walled Carbon Nanotubes by Encapsulated Fullerenes // J Phys Chem C. 2009. Vol. 113, pp.571–575, Fullerenes in liquid media: an unsettling intrusion into the solution chemistry // Chemical Reviews. 2013. Vol. 113, pp.5149-5193, Improved spectrophotometric analysis of fullerenes C_{60} and C_{70} in high-solubility organic solvents // Anal. Sci. 2015. Vol. 31, pp. 125-130, Self-assembly and self-organization processes of carbon nanotubes in the colloidal systems // Journal of nano- and electronic physics. 2015. Vol. 7, pp. 04014, On the evaporation kinetics of [60] fullerene in aromatic organic solvents // Phys. Chem. Chem. Phys. 2018. Vol.20, pp.11296-11305 ва б.

технологияси ишлаб чиқилгандан жонланди. Эритмаларда фуллеренлар кластерларининг ҳосил бўлиш жараёнларини тадқиқ этиш фуллеренларнинг кичик ўлчамдаги кластерларидан ташкил топган микро ва наноструктураларнинг бир қанча ноёб ва принципиал жиҳатдан янги физик хусусиятларини очиш имконини беради. Фуллерен молекулаларининг эритмаларида кечадиган кластерланиш жараёнларини ўрганиш учун асосий юқори сезгирликдаги воситалар сифатида нейтронларнинг кичик бурчакли сочилиши, сканловчи туннелли микроскопия, атом-кучли микроскопия, ёритувчи электрон микроскопия, оптик спектроскопия ва бошқа шу каби методлар хизмат қилади.

Ю.П. Сун и К.Е. Бункер каби муаллифларнинг ишларида абсорбцион спектроскопия методида илк бор C_{70} фуллереннинг ацетонитрил ва толуол аралашмаларидаги эритмаларида солватохромизм ҳодисаси аниқланди. Эритувчилар таркибининг озгина ўзгаришларида C_{70} фуллереннинг бинар эритмалари электрон ютилиш спектрлари табиатидаги сезиларли ўзгаришларни муаллифлар ҳам фуллерен молекулаларининг ўз-ўзидан бирлашишга мойиллиги билан, ҳам C_{70} макромолекуласи ва эритувчи молекулалари ўртасида комплекслар ҳосил бўлиши билан изоҳлашади. Бу ҳолда ёруғликнинг динамик сочилиши усулида эритмада C_{70} кластерларининг ўртача геометрик ўлчамларининг ошиши ҳам аралашмадаги ацетонитрил миқдорининг, ҳам эритмадаги фуллерен концентрациясининг ортиши билан бирга содир бўлиши кўрсатилди. Сунгги пайтларда сольватохромизм ҳодисаси ҳар хил бинар эритувчилардаги C_{60} ва C_{70} фуллеренларнинг эритмаларида ҳам фаол тадқиқ этилмоқда.

В.Н. Безмельницин, А.В. Елецкий ва М.В. Окунь каби муаллифларнинг ишларида турли хил органик эритувчиларда фуллеренларнинг "кластерли структураси" ни эълон қилинди. Ҳозиргача фуллеренлар молекулаларининг кам қутбли эритувчилардаги ҳолатини ўрганиш муҳокама мавзусида ҳисобланади. М.В. Авдеев, Т.В. Тропин ва В.Л. Аксеновлар "яхши" эритувчиларда фуллеренларнинг мувозанатли эришида фақат фуллеренларнинг молекуляр эритмалари ҳосил бўлишини назарий жиҳатдан кўрсатди. Нуклеация назарияси доирасида эритмаларда фуллерен кластерларининг ҳосил бўлиши ва ўсишининг кинетик тавсифи ишлаб чиқилди. Классик томчи моделидан фойдаланган ҳолда фуллерен кластерларининг чекланган ўсиш моделлари таклиф этилди.

Бугунги кунга келиб, наноўлчамли углеродли объектларнинг (фуллеренлар ва нанотрубкалар) эритмалардаги ҳолатини ўрганишга бағишланган асосий тажриба ишлари асосан уларнинг молекулаларининг тўйинган эритмаларда кластерланишини кўриб чиқиш билан чекланган. Шу билан бирга, кам концентрацияли эритмалардаги, шунингдек эритмаларнинг буғланаётган томчилари ҳажмида фуллерен кластерларининг шаклланиши ва ўсиши жараёнларининг тадқиқотлари нисбатан жуда камдир. C_{60} ва C_{70} фуллеренларнинг ва углеродли нанотрубкаларнинг бир-бирига ҳам зич йиғилган, ҳам ғовак наноструктурали кластерларини ҳосил бўлиши бўйича олинган тажриба натижалари замонавий технологиялар учун янги

наноўлчамли функционал материаллар ҳамда юпқа плёнкаларни яратишга янги имкониятларни очиб беради.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ион-плазма ва лазер технологиялари институти илмий тадқиқот ишлари режасининг қўйидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган: № ФА-Ф2-Ф146 «Фуллеренлар эритмаларида кластерланиш, ўз-ўзидан йиғилиш ва ўз-ўзидан ташкилланиш жараёнлари» (2012-2016), № ОТ-Ф2-51 «Фуллеренлар ва уларнинг ҳосилалари асосида оптоэлектроника ва қуёш энергетикаси учун янги функционал наноматериаллар синтез қилишнинг фундаментал асослари» (2017-2020).

Тадқиқот мақсади. Мазкур диссертация ишининг мақсади C_{60}, C_{70} органик макромолекулалари ҳамда углеродли нанотрубкаларнинг эритмаларда ва буғланаётган томчилар ҳажмида ўз-ўзидан ташкилланишининг физикавий механизмларини тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

C_{60}, C_{70} фуллеренлари ва уларнинг аралашмалари молекулаларининг қутбли ва кам қутбли органик эритувчиларда ўз-ўзидан ташкилланиши ва ўз-ўзидан йиғилиши моҳиятини тажрибада тадқиқ қилиш;

эритмаларда C_{60} ва C_{70} фуллеренлари молекулаларидан вақт бўйича барқарор бўлган наноструктурали кластерлар олишнинг оптимал усулларини аниқлаш;

C_{70} фуллеренининг ҳамда C_{60} ва C_{70} фуллеренлари аралашмаларининг органик эритувчилардаги эритмаларида лазер импульси эллиптик қутбланишининг ночизиқли бурилиш эффектини тадқиқ қилиш;

C_{60} ва C_{70} фуллеренларнинг бир ва икки компонентли органик эритувчилардаги эритмаларининг буғланаётган томчилари ҳажмида дисперс фазали заррачаларнинг ўз-ўзидан ташкилланишининг аниқ физик механизмларини аниқлаш;

бир деворли углеродли нанотрубкаларнинг ҳам эритмаларда, ҳам эритмаларнинг буғланаётган томчилари ҳажмида ўз-ўзидан ташкилланиш жараёнлари кечишини тажрибада тадқиқ қилиш;

C_{60} фуллерени асосида наноўлчамли органик структуралар (нановискерлар, нанотрубкалар, нанопленкалар ва наноқопламалар) олиш.

Тадқиқот объектлари фуллеренлар (C_{60}, C_{70}) ва бир деворли углеродли нанотрубкаларнинг бир компонентли (толуол, бензол, ксилол, бромбензол, N-метилпирролидон, тетрагидрофуран) ва икки компонентли (толуол+тетрогидрофуран, ксилол+тетрогидрофуран, бензол+ацетонитрил, N-метил-2-пирролидон+ксилол, сув+диметилформамид, этилбензол+изопропил спирт) эритувчилардаги эритмалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети C_{60}, C_{70} фуллеренлари молекулаларининг ҳамда бир деворли углеродли нанотрубкаларнинг ҳам эритмаларда, ҳам буғланаётган томчи ҳажмида ўз-ўзидан ташкилланишининг физик механизмлари ва қонуниятлари, C_{70} фуллерени ва «C_{60}+C_{70}» фуллеренлари

аралшмалари эритмаларида лазер нурланиши эллипсли қутбланишининг ночизиқли ўз-ўзидан бурилиш эффекти ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишида қўйидаги юқори сезгирликдаги тадқиқот методлари қўлланилди: ёритувчи электрон микроскопия, сканловчи электрон микроскопия, атом-кучли микроскопия, электрон ва инфрақизил (ИҚ) спектроскопия, ёруғликнинг динамик сочилиши ҳамда ночизиқли спектроскопия (эритмаларда лазер импульси эллипсли қутбланишининг ўз-ўзидан бурилиши).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

фуллеренларнинг (C_{60}, C_{70} ва уларнинг аралашмаларининг) қутбли ва кам қутбли эритувчиларда ҳам зич тахланган, ҳам ғовак фрактал наноструктуралари ҳосил бўлиши ва ўсишининг физик механизмлари аниқланган. Эритмаларда олинган mC_{60}, mC_{70} ва $mC_{60/70}$ нанокластерларнинг (бу ерда m – нанокластерлардаги фуллеренлар молекулалари сони) структураси ва фракталлиги дастлабки эритмаларни тайёрлаш усулига боғлиқлиги тажрибада кўрсатилган;

эритмаларда C_{60}, C_{70} фуллеренлари ва уларнинг аралашмалари молекулаларининг ўз-ўзидан ташкилланиш жараёнлари диагностикаси ҳамда синтезланган нанокластерларнинг (mC_{60}, mC_{70} ва $mC_{60/70}$) барқарорлик даражасини аниқлайдиган янги спектроскопик метод ишлаб чиқилган;

илк бор $C_{60/70}$ эритмаларида импульсли лазер нурланиши эллиптик қутбланишининг ночизиқли бурилиш эффекти нурланишнинг фақат эллиптик қутбланишида кузатилиши аниқланган. $C_{60/70}$ эритмаларида ҳам лазер нурланиши интенсивлигининг, ҳам эллиптиклик даражасининг ошиши эллипсли қутбланиш бурилиш бурчагининг ошишига олиб келиши кўрсатилган;

эритмаларда $mC_{60/70}$ кластерларининг ҳосил бўлиши ва ўсиши билан муҳитдан ўтувчи лазер нурланиши эллипсли қутбланишининг ночизиқли бурилиш бурчаги қийматлари орасидаги ўзаро боғлиқлик аниқланди. $C_{60/70}$ фуллеренининг эритмалардаги концентрациясининг ошиши лазер нурланиши эллипсли қутбланишининг солиштирма бурилиш бурчагининг сезиларли камайишига олиб келиши кўрсатилган;

илк бор қаттиқ тагликнинг текис сиртида жойлашган буғланаётган «эритмалар томчилари» ҳажмида фуллеренларнинг наноструктурали фрактал, шунингдек зич тахланган mC_{60}, mC_{70} кластерларини тезкор синтез қилиш усули таклиф қилинди ва амалга оширилди;

буғланаётган томчи ҳажмида mC_{60} ва mC_{70} кластерларини синтез қилишнинг аниқ физик механизми – "Оствальд етилиши", яъни нисбатан йирикроқ наноструктуралар майдалари ҳисобига ўсиши таклиф этилган;

илк бор C_{60} фуллерен молекулаларидан иборат нано- ва микроўлчамли органик структуралар (нановискерлар, нанотрубкалар, нанопленкалар ва наноқопламалар) ни олишнинг «томчи усули» таклиф қилинган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

фуллеренлар эритмаларнинг буғланаётган томчилари ҳажмида ҳам мономолекуляр зич тахланган, ҳам фрактал ғовакли mC_{60}, mC_{70}, $mC_{60/70}$

нанокластерларини олишнинг янги усуллари ишлаб чиқилди ва амалга оширилди;

буғланаётган томчилар ҳажмида C_{60} фуллеренлари асосида наноўлчамли органик структураларни (нановискерлар, нанотрубкалар, нанопленкалар ва наноқопламалар) олишнинг бошқариладиган селектив усуллари ишлаб чиқилган;

фуллерен макромолекулаларининг эритмаларда ўз-ўзидан ташкилланиш ва ўз-ўзидан йиғилиш жараёнларини диагностика қилиш, шунингдек эритмаларда синтез қилинган фуллерен нанокластерларининг барқарорлик даражасини аниқлаш учун экспериментал оптик усуллар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги фуллеренлар (C_{60}, C_{70}) ва бир деворли углеродли нанотрубкалар кластерларининг хусусиятларини тадқиқ қилишда замонавий юқори аниқликдаги электрон микроскопик ва спектроскопик усулларнинг қўлланилганлиги ҳамда олинган тажриба натижаларининг қайта такрорланиши юқори даражада эканлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Диссертация тадқиқоти натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, улар C_{60} ва C_{70} фуллеренлар молекулаларининг ҳамда углеродли нанотрубкаларнинг ҳам эритмаларда, ҳам эритмаларнинг буғланаётган томчилари ҳажмида ўз-ўзидан ташкилланиш жараёнларининг аниқ физик механизмларини тушунтириш имконини беради.

Диссертация тадқиқотининг амалий аҳамияти шундан иборатки, эритмалар буғланаётган томчилари ҳажмида C_{60} фуллерени асосида микро- ва наноўлчамли органик структуралар (нановискерлар, нанотрубкалар, нанопленкалар ва наноқопламалар) синтез қилиш усуллари яқин келажакда янги функционал наноматериаллар ҳамда микро- ва наноэлектроника элементлари олишда олишда қўлланилиши имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. C_{60}, C_{70} органик молекулалари ҳамда углеродли нанотрубкаларнинг ҳам эритмаларда, ҳам буғланаётган томчилар ҳажмида ўз-ўзидан ташкилланишини тадқиқ этиш натижалари асосида:

C_{70} фуллерени, шунингдек C_{60} ва C_{70} фуллеренлари аралашмалари эритмаларида кучли интенсивликдаги лазер импульсларининг эллипсли қутбланиши ночизиқли бурилиш эффектини ўрганишда олинган тажриба натижалари № БФ2-027 рақамли «Метал нанозаррачалари шаклланиши ва ўсиши механизмлари ва уларнинг ночизиқли-оптик хоссаларини тадқиқ қилиш» лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2021 йил 5 мартдаги № 02-02/1313-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш кучли интенсивликдаги импульсли лазер нури таъсирида турли ўлчамдаги метал нанозаррачалари шаклланишини ва уларнинг ночизиқли-оптик параметрларини самарали таҳлил қилиш имконини берган;

C_{60} ва C_{70} фуллеренлари молекулаларининг ўз-ўзидан ташкилланиш жараёнларини тадқиқ қилишда олинган натижалардан № ОТ-Ф2-46:

«Углеродли нанотрубкалар ва фуллеренлар билан атом зарралари, электронлар ва фотонларнинг ўзаро таъсири жараёнини назарий тадқиқ этиш» лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2021 йил 25 февралдаги № 2/1255-569-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш фуллеренлар молекулаларининг ўзаро таъсирларини ҳамда фуллерен молекулалари билан бошқа атом зарралари, электронлар ва фотонларнинг ўзаро таъсири жараёнларини назарий жиҳатдан самарали баҳолаш имконини берган;

C_{70} фуллерени эритмаларида лазер импульси эллипсли қутбланишининг ночизиқли ўз-ўзидан бурилиш эффектини тадқиқ этиш жараёнида олинган тажриба натижалари хорижий журналларда (Advances in optics and photonics 2017, V. 9, Scopus, IF – 22.95; Optics express 2014, V.21, Scopus, IF – 7.2; Optics communications 2014, V.310, Scopus, IF – 3.1) икки фазали синхрон кучайтиргичларнинг ночизиқли рефракциясини ҳамда металл нанозаррачаларидан ташкил топган плазмонли композитларнинг юқори тартибли ночизиқлилигини ўрганишда фойдаланилган. Илмий натижалардан фойдаланиш металл-диэлектрик нанокомпозитлар асосида наноструктурали оптик калитлар олиш имконини берган;

қаттиқ таглик сиртида буғланаётган томчилар ҳажмида фуллеренларнинг наноўлчамли структуралари ҳосил бўлишини, шунингдек C_{70} ва $C_{60/70}$ эритмаларида лазер импульсларининг эллипсли қутбланиши ночизиқли бурилиш эффектини тадқиқ қилишда олинган тажриба натижаларидан Шаржадаги Америка университети тадқиқотларида фойдаланилган (Шаржадаги Америка университетининг 2021 йил 8 мартдаги маълумотномаси, БАА). Илмий натижалардан фойдаланиш кучли интенсивликдаги импульсли лазер нурланиши таъсирида ҳар хил ўлчамдаги нанозаррачалар ҳосил бўлиш моҳиятини яхшироқ тушунишга ва уларнинг юқори тартибли ночизиқли оптик параметрларини баҳолашга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотларнинг асосий натижалари 29 та илмий-амалий конференцияларда, шу жумладан 14 та халқаро ва 15 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги Диссертация мавзуси бўйича олинган натижалар 50 та илмий ишларда баён қилинган бўлиб, улардан 21 таси илмий мақола, шу жумладан 7 та чет эл ва 14 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациянинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий журналларида чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 214 бетни ташкил қилиб, ўз ичига 83 та расм ва 4 та жадвалдан иборатдир.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, уларнинг ишончлилиги асосланган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси натижалари, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Фуллеренлар молекулаларининг ҳамда углеродли нанотрубкаларнинг турли муҳитларда ўз-ўзидан ташкилланиш жараёнлари тадқиқоти таҳлили »** деб номланган биринчи бобида C_{60} ва C_{70} фуллеренлари молекулаларининг, шунингдек бир деворли углеродли нанотрубкаларнинг ҳам эритмаларда, ҳам буғланаётган томчилари ҳажмида назарий ва экспериментал тадқиқотларининг замонавий ҳолати таҳлили келтирилган. Наноўлчамли углерод таркибли объектларнинг турли муҳитларда кластерли ҳолатини тадқиқ қилишда кенг қўлланиладиган усуллар кўриб чиқилган. Мавжуд маълумотларнинг назарий ва экспериментал таҳлили натижасида тадқиқот вазифаларининг қўйилиши шакллантирилган.


«Наноўлчамли углеродли заррачалар молекулаларининг эритмаларда ва буғланаётган томчилар ҳажмидаги ҳолатининг тадқиқотида қўлланилган усуллар» номли иккинчи бобда қўлланилган тадқиқот методларининг қисқа тавсифи берилган ҳамда тадқиқот объектларининг муҳим хоссалари келтирилган. Юқори сезгирликдаги билвосита (оптик спектроскопия, ёруғликнинг динамик сочилиши (ЁДС) ва вискозиметрия) ва тўғридан-тўғри (юқори ажрата олиш кучига эга ёритувчи электрон микроскопия (ЁЭМ), сканловчи электрон микроскопия (СЭМ) ва атом кучли микроскопия (АКМ) ва оптик микроскопия) тадқиқот методларининг хусусиятлари баён этилган.

C_{70} фуллерени, шунингдек C_{60} ва C_{70} фуллеренлари аралашмаларининг эритмаларида кучли интенсивликдаги лазер импульслари эллипсли қутбланишининг ночизиқли бурилиши (ЭҚНБ) эффектини тадқиқ қилиш учун мўлжаллаб ишлаб чиқилган автоматлашган тажриба қурилмаси хусусиятлари тавсифланган.

Тадқиқот қурилмасининг принципиал схемаси ва автоматлашган қайд этиш системаси 1-расмда келтирилган. Нурланиш манбаи сифатида импульс давомийлиги ~12÷15 нс бўлган YAG:Nd^{3+} лазердан фойдаланилди. KDP кристаллида иккинчи гармоникага (λ=532 нм) айлантирилган лазер импульси энергияси ~50 мЖ бўлди. Нурланишнинг иккинчи гармоникаси Глан призмадан (ГП) ўтказилади ва чизиқли қутбланган нурланиш Поккельс ячейкасига (ЯП) йўналтирилади. Бунда Поккельс ячейкасига берилаётган

электр потенциаллар фарқи қийматини ўзгартириб борилиши ўтаётган нурланиш қутбланишини – чизиқлидан то доиравийгача бўлган кенг диапазонда ўзгартириш имконини беради.

Фуллеренлар эритмалари билан ўзаро таъсир соҳасидаги лазер дастасининг диаметри ~3.5 мм ни ташкил этди. Тажриба давомида нурланиш энергиясини ўзгартириш мақсадида стандарт нейтрал ёруғлик фильтрлари (НФ) ишлатилди. Фуллеренлар эритмалари мавжуд кювета (К) нинг чиқишидаги эллиптик қутбланган лазер нурланиши ориентациясининг ўзгаришини таҳлил қилиш учун икки ўзаро кесишувчи қутбланиш анализаторлари (Франк-Риттер ФР призмалари) ва калибрланган ФД-24 фотодиодлар (ФД) қўлланиладиган икки каналли схемадан фойдаланилади.




1-расм. Тажриба қурилмаси умумий оптик схемаси: KDP – ночизиқли оптик кристалл (1064 нм → 532 нм); НФ – нейтрал ёруғлик фильтрлари; ГП – Глан қутблагичи; ЯП – Поккельс ячейкаси; Д – диафрагма; К – фуллерен эритмали кювета; БС – ёруғлик бўлгич пластинка; ФР – Франк-Риттер призмаси; ФД – фотодиод; ФЭУ - фотоэлектрон кўпайтирувчи.

Фуллерен эритмаси бўлган кювета орқали ўтган лазер дастасининг бир қисми ёруғлик бўлгич пластинка (БС) ёрдамида нурланишнинг энергетик ва спектрал характеристикаларини назорат қилишга йўналтирилди. Бу нурланишнинг биринчи ярми лазер системасининг энергетик характеристикасининг назорати ва ўлчаш каналидаги датчик сифатида ишлатиладиган фотодиодга йўналтирилади (1-расм, қайд этиш системасининг 1-канали). Нурланишнинг қолган ярми спектрнинг қадамли ўтказгич ёйилмасига созланган дифракцион МДР-204 монохроморнинг (М) кириш тирқишига йўналтирилди. Монохроморнинг чиқиш тирқишига фотоэлектронларни кўпайткич ўрнатилди ва нурланишнинг спектрал характеристикаларини ўлчайдиган каналда сигналга ишлов берилади (1-расм, қайд этиш система-сининг 2-канали). Бир пайтнинг ўзида нурланишнинг қутбланиш, энергетик ва спектрал характеристикаларини қайд этиш учун

реал вақт режимида шахсий компьютер базасида тажриба маълумотларини йиғиш ва қайта ишловчи қўзғалувчан автоматлаштирилган системадан фойдаланилди.

Диссертациянинг **«C_{60}, C_{70} фуллеренлар молекулалари ҳамда бир деворли углерод нанотрубкаларнинг эритмаларда ўз-ўзидан ташкилланиш жараёнлари хусусиятлари»** деб номланган учинчи бобида углерод таркибли объектларнинг (C_{60}, C_{70} фуллеренлар молекулалари ва бир деворли углерод нанотрубкалар) бир компонентли (толуол, бензол, N-метил-2-пирролидон) ва икки компонентли (толуол+тетрогидрофуран, ксилол+тетрогидрофуран, ксилол+NMП, сув+диметилформамид) эритувчиларда ўз-ўзидан ташкилланиш жараёнларини оптик спектроскопия, ёруғликнинг динамик сочилиши, шунингдек электрон ва атом-кучли микроскопия усуллари ёрдамида тажрибада тадқиқ этишнинг асосий натижалари келтирилган.

2А-расмда мувозанатсиз усулда (C_{60} эритмасини механик ротатор билан аралаштириб) тайёрланган фуллереннинг толуолдаги эритмасида синтез қилинган музлатилган mC_{60} кластерларининг юқори аниқликдаги ЁЭМ тасвири кўрсатилган. Эритмада диаметри ~250÷300 нм гача бўлган квазисферик шаклдаги йирик ва ғовакли фрактал кластерлар синтез қилинди. Бу кластерлар диаметри ~32÷40 нм бўлган кичик ва барқарор «дискрет» C_{60} кластерларидан ташкил топиши аниқланди (2А-расм). Юқори ажрата олиш қобилиятига эга ЁЭМ ёрдамида фрактал кластерларнинг маҳаллий ички тузилишини аниқ ўлчашлар шуни кўрсатдики, йирик mC_{60} кластерлар ичида жойлашган иккита энг яқин қўшни барқарор «оралиқ» кластерлари орасидаги энг қисқа масофа ~1÷1.5 нм ни ташкил этади.




2-расм. C_{60} фуллереннинг толуолдаги эритмаларида синтезланган нанокластерларнинг электрон-микроскопик тасвирлари: А) C_{60} эритмасини механик ратотор ёрдамида аралаштириб тайёрланган мувозанатсиз эритмада; В) C_{60} эритмасига ташқи механик таъсир кўрсатмасдан тайёрланган мувозанатли эритмада. C_{60} бакминстерфуллереннинг эритмалардаги бошланғич концентрацияси ~2.0 г/л.


2В-расмда C_{60} фуллереннинг мувозанатли усулда тайёрланган толуолдаги дастлабки эритмасини хона ҳароратида (~25°C) дастлабки 10÷15 кун давомида сақланганда синтез қилинган бакминстерфуллерен C_{60} нинг музлатилган кластерларининг ЁЭМ тасвири кўрсатилган. Кўриниб турибдики, C_{60} эритмасини тайёрлаш учун мувозанатли усулдан (эритмага ташқи механик таъсири қилмасдан) фойдаланганда, фуллерен молекулаларининг ўз-ўзидан ташкилланиш жараёнлари мувозанатсиз усулга

қараганда вақт бўйича бир оз бошқача физикавий механизм бўйича кечади, ва айнан диаметрдаги ўлчами ~38÷40 нм бўлган зич тахланган мономолекуляр кластерлар синтез бўлади (2В-расм).

C_{60} нинг N-метил-2-пирролидондаги (NMП) оптик ютилишини тадқиқи шуни кўрсатдики, дастлабки эритмани вақт бўйича сақлашга боғлиқ ҳолда бу эритма ютилиш спектрларининг табиати ва шакли кескин ўзгаришни бошлайди (3-расм). λ≈330 нм тўлқин узунликдаги мавжуд ёрқин акс этган молекуляр C_{60} учун характерли максимум фақат янги тайёрланган C_{60} эритмаси спектрида кузатилади (3-расм, *1*-спектр) ва бу максимум дастлабки эритма тайёрлангандан бошлаб 1 кун ичида деярли бутунлай йўқолади (*2*-спектр). Эритмани 24 соат (*2*-спектр) ва 10 кун (*3*-спектр) давомида сақлаш пайтида λ≈330 нм даги максимумнинг йўқолиши ва ютилиш интенсивлигининг ошиши эритма «қариши» жараёнида C_{60} молекулаларининг ўз-ўзидан ташкилланиш жараёнларининг кўчайиши ва наноўлчамли фрактал mC_{60} кластерлари ҳосил бўлиши билан боғлиқ.



3-расм. C_{60} фуллеренининг NMП даги ~0.015 г/л концентрациядаги эритмалари электрон ютилиш спектрлари ўзгариши: *1* – янги тайёрланган эритма, *2* – эришдан 24 соат кейин ва *3* – 10 суткадан кейин.



4-расм. C_{60} фуллеренининг NMП даги янги тайёрланган эритмасига турли улушдаги ксилол қўшганда эритма оптик ютилиш спектрлари эволюцияси. C_{60} нинг эритмадаги концентрацияси ~0.03 г/л.


C_{60} фуллереннинг NMП даги эритмаси оптик ютилиш спектрлари эритмага нисбатан юқори ҳажмий улушдаги (≥70 ҳажмий улуш) ксилол қўшилганда кескин ўзгаради, айнан спектр амплитудасининг ошиши ва ~330 нм даги характерли пикнинг узун тўлқин узунлиги соҳасига силжиши, яъни ижобий сольватохромизм эффекти кўзатилади (4-расм). Қайд этиш жоизки, бу ҳолда максимал батохромик силжиш C_{60}/NMП системасига ~90 % ҳажмдаги ксилол қўшилганда ~6 нм гача етади. Бу ҳолда C_{60}/NMП/ксилол системасидаги қўшилган компонент (ксилол) C_{60} молекуласининг эритувчи (NMП) молекулалари билан ҳам селектив сольватланишини, ҳам уларни қайта ташкилланишини кучайтиради.

5-расмда C_{60}/NMП ва C_{60}/NMП/ксилол эритмаларининг ЁДС тажриба натижалари келтирилган. Эритмалардаги mC_{60} нанокластерларининг гидродинамик ўлчамлари Zetasizer Nano ZEN3600 (Malvern Instruments Ltd.) қурилмасида ўлчанган. 10 кунлик C_{60}/NMП эритмада ёруғлик сочувчи

нанозаррачаларнинг асосий улуши диаметри ~465÷520 нм бўлган диапазонда тақсимланган, C_{60} кластерларининг максимал тақсимланиши ~490 нм соҳада жойлашган (5-расм, *1*-гистограмма). Қайд этиш жоизки, 10 кунлик C_{60}/NMП эритмасида синтезланган mC_{60} нанокластерлар C_{60} ва NMП молекулалари комплекси кўринишидаги кўп миқдордаги NMП молекулаларидан ҳам иборат бўлади. C_{60}/NMП/ксилол эритмасида ёруғлик сочувчи фуллерен заррачаларининг максимал гидродинамик диаметри кичраяди ва ~430 нм га силжийди, mC_{60} нанокластерларнинг гидродинамик ўлчамлари диапазони эса ~410÷450 нм га мос келади (*2*-гистограмма). C_{60}/NMП эритмасига ксилолнинг қўшилиши C_{60} ва NMП молекулалариаро комплексларнинг қисман бузилишига ва нанозаррачаларнинг қайта ўз-ўзидан ташкилланишига олиб келади. Кўриниб турибдики, C_{60}/NMП/ксилол эритмасида нанозаррачаларнинг қайта ташкилланишидан сунг mC_{60} нанокластерларининг геометрик ўлчамлари C_{60}/NMП эритмадагига нисбатан камайган.



5-расм. C_{60}/NMП (*1-гистограмма*) ва C_{60}/NMП/ксилол (*2*) эритмаларида mC_{60} кластерларининг гидродинамик диаметрлари бўйича тақсимланиши. C_{60} нинг эритмалардаги концентрацияси ~0.03 г/л.




6-расм. Бир деворли углеродли нанотрубкаларнинг коллоид эритмасида синтез қилинган тартибланган наноструктуравий агрегатнинг ЁЭМ тасвири**.** Нанотрубканинг эритмадаги бошланғич концентрацияси ~0.4 г/л.

6-расмда бир деворли углеродли нанотрубкаларнинг «сув+диметилформамид» эритувчиларининг мос ҳолда 0.9:0.1 ҳажмий улушлардаги аралашмасидаги эритмасида синтез қилинган тартибланган агрегатининг ЁЭМ тасвири кўрсатилган. Бу ҳолда, нанотрубкаларнинг ўзаро бир-бирига ёпишиши ва эритмада агрегатлар ҳосил қилишга мойиллиги кузатилди. Кўриниб турибдики, эритмада нанотрубкаларнинг ўзаро параллел тўпламларидан ташкил топган тартибланган агрегатлар ҳосил бўлади. Бу ҳолда бир деворли нанотрубкалар агрегати узунлиги ~16 мкм, диаметри ~5.2 мкм ни ташкил этади.

Диссертациянинг «**Турли эритувчиларда $C_{60/70}$ фуллеренлар аралашмаси молекулаларининг ўз-ўзидан йиғилиш жараёнларини тадқиқ қилиш**» деб номланган тўртинчи бобида оптик спектроскопия, ЁДС ҳамда ЁЭМ методларида органик эритувчиларда $C_{60/70}$ (C_{70} −95 масс. % ва C_{60}− 5

масс. %) фуллеренлари кластерларининг синтезланиши ва ўлчамларининг ўсишининг асосий қонуниятларини тадқиқ этиш натижалари баён қилинган. Эритмаларда кластер ҳосил бўлишининг $C_{60/70}$ фуллеренлари эритмаларининг ҳам электрон, ҳам инфрақизил (ИҚ) ютилиш спектрлари эволюциясига таъсири натижалари берилган. Ҳам тоза C_{70} фуллеренининг, ҳам $C_{60/70}$ фуллеренлар аралашмаларининг турли эритувчилардаги эритмалари ночизиқли-оптик хоссалари тадқиқ қилинган.

7-расмда ~400÷1600 $см^{-1}$ спектрал диапазонда $C_{60/70}$ нинг толуолдаги эритмалари ИҚ-ютилиш спектрлари берилган: янги тайёрланган эритма (*a* спектр) ва янги эритмани хона ҳароратида 60 сутка сақлагандан сунг (*b* спектр).



7-расм. $C_{60/70}$ (C_{70} –95 масс. % и C_{60}– 5 масс. %) фуллереннинг толуолдаги ~0.15 г/л концентрацияли эритмаси ИҚ спектрлари: (*a*) эритма тайёрланганидан бирданига; (*b*) уни хона ҳароратида 60 сутка сақлашдан сунг.

ИҚ диапазондаги ютилиш соҳасида C_{60} нинг иккита нисбатан интенсив F_{1u} симметрияли ютилиш чизиқлари (~1432 ва ~578 $см^{-1}$) кузатилди (7*a*-расм). $C_{60/70}$ эритмаси спектрларида C_{70} фуллеренига тегишли ҳамма 12 та ИҚ чизиқлари, айнан ~1459.6, ~1432, ~1414.2, ~1135, ~1088, ~794, ~672, ~645, ~578, ~564, ~532 ва ~455 $см^{-1}$ намоён бўлди (7*a*-расм).

$C_{60/70}$ нинг толуолдаги эритмасини хона ҳароратида 60 сутка сақлагандан сунг унинг ИҚ спектри дастлабки эритма спектрига нисбатан сезиларли ўзгаришларга учрайди(7*b*-расм), хусусан:


(i) ~1571, ~1534, ~1363.7, ~1270, ~1186, ~1050, ~1025, ~917, ~878, ~765 ва ~485 $см^{-1}$ частоталардаги 11 та янги кенгайган ютилиш соҳалари пайдо бўлиб, улардан фақат битта чизиқ (~1186 $см^{-1}$) C_{60} молекуласи тебранишларига тегишли ва қолган ҳамма чизиқлар эритмада $mC_{60/70}$ кластерлари ҳосил бўлишига тегишли ҳисобланади;

(ii) янги тайёрланган эритмада ҳам кузатилган асосий ютилиш чизиқлари (~1459.6, ~1432, ~1414.2, ~1135, ~1088, ~794, ~645, ~578, ~564 ва ~455 $см^{-1}$) кенгайди.


8-расмда $C_{60/70}$ фуллеренларининг толуолдаги ~0.15 г/л концентрацияли эритмасидан ўтувчи лазер нурланиши эллипсли қутбланиши солиштирма бурилиши ($\varphi_{уд.}$) қийматлари ўзгаришининг нурланиш эллиптиклик даражаси

(θ) га боғлиқлиги графиги келтирилган. Тажрибада лазер нурланиши интенсивлиги $I \approx 520$ кВт/см^2 бўлди.

9-расмда тоза C_{70} фуллеренининг толуол (~0.48 г/л концентрацияли) ва бензолдаги (~0.585 г/л концентрацияли) эритмаларида лазер нурланиши эллипсли қутбланиши солиштирма бурилиши ($\varphi_{уд.}$) нинг эллиптиклик даражаси (θ) га боғлиқлиги тасвирланган.



8-расм. $C_{60/70}$ фуллеренларининг толуолдаги ~0.15 г/л концентрацияли эритмасида лазер нурланиши эллипсли қутбланиши солиштирма бурилиши $\varphi_{уд.}$ нинг эллиптиклик даражаси (θ) га боғлиқлиги.



9-расм. Тоза C_{70} фуллерени эритмаларида лазер нурланиши эллипсли қутбланиши солиштирма бурилиши $\varphi_{уд.}$ нинг эллиптиклик даражаси (θ) га боғлиқлиги: *1* эгри чизиқ – толуолда; *2* – бензолда.

8- ва 9-расмлардан кўриниб турибдики, C_{70} ва $C_{60/70}$ эритмаларида лазер нурланиши эллипсли қутбланишда бўлганда ЭҚНБ эффекти кузатилади ва қутбланиш чизиқли бўлганда эса кузатилмайди. Кучли интенсивликдаги ($I \approx 5.2 \cdot 10^5$ Вт/см^2) эллиптик қутбланган лазер нурланишининг изотропик муҳит (фуллеренлар эритмалари) билан ўзаро таъсири эритмаларда чизиқли бўлмаган эффектни юзага келтиради. Нурланишнинг эллиптиклик даражаси ортиши солиштирма бурилиш қийматининг ошишига олиб келади ва $\varphi_{уд.}(\theta)$ боғлиқлик эгри чизиғи доиравий қутбланишга яқинлашиб тўйинишга чиқади.

1-жадвал

$C_{60/70}$ фуллеренларининг толуолдаги эритмасининг лазер нурланиши қутбланишининг турли эллиптиклик (θ) даражаларига мос ночизиқ оптик параметрлари (n_2 ва $\chi^{(3)}(\omega;\omega,\omega,-\omega)$) қийматлари

θ	0.1	0.2	0.3	0.4	0.45	0.55	0.6	0.7	0.8
$-n_2$, ($\times 10^{-21}$, СГСЭ)	6.28	9.2	11.5	13.9	14.9	16.4	17.1	18.3	19.1
$-\chi^{(3)}(\omega;\omega,\omega,-\omega)$, ($\times 10^{-12}$, СГСЭ)	3.52	5.2	6.4	7.8	8.3	9.2	9.6	10.2	10.7

Таъкидлаш жоизки, лазер нурланишининг ўзгармас интенсивлик ва эллиптиклиги даражасида $C_{60/70}$ эритмасидаги концентрациясининг аста-

секин ортиши лазер нурланиши эллипсли қутбланиши бурчагининг камайишига олиб келади. Бу $C_{60/70}$ фуллерен молекулаларининг эритмада турли шаклдаги ва ўлчамдаги $mC_{60/70}$ нанокластерларини синтез қилишга мойиллиги билан боғлиқ. Демак, фуллеренлар молекулаларининг ўз-ўзидан йиғилиш жараёни $C_{60/70}$ эритмасининг ночизиқли оптик хусусиятларига, яъни эритмадан ўтадиган лазер нурланишининг эллипсли қутбланиши солиштирма бурилиши қийматларига таъсир қилади.

Лазер импульси эллипсли қутбланиши ночизиқли бурилишининг эллиптиклик даражасига боғлиқлик эгри чизиғини (8-расм) аппроксимациялаш йўли билан $C_{60/70}$ нинг толуолдаги эритмаси учун ночизиқли Керр коэффициенти n_2 ва учинчи даражали ночизиқли қабул қилувчанлик $\chi^{(3)}(\omega;\omega,\omega,-\omega)$ қийматлари аниқланди (1-жадвал).


«C_{60} ва C_{70} фуллеренлари молекулаларининг, шунингдек бир деворли углеродли нанотрубкаларнинг эритмалар буғланаётган томчилари ҳажмида ўз-ўзидан ташкилланиш жараёнларини тадқиқ қилиш» деб номланган бешинчи бобда углерод таркибли наноўлчамли объектлар (C_{60}, C_{70} фуллеренлари ва бир деворли углеродли нанотрубкалар) эритмалари томчиларининг иссиқлик буғланиши асосий физик қонуниятлари ва механизмларини тадқиқ этиш натижалари баён қилинган. Тагликнинг гидрофил сиртида фуллерен эритмаларининг буғланаётган томчилари ҳажмида микро ва наноструктураларни, шунингдек нанопленкаларни олишнинг аниқ юқори самарали селектив усуллари таклиф қилинган.

Слюда сиртига жойлаштирилган C_{60} эритмаси томчисидан органик эритувчилар (бензол ва ацетонитрил) аралашмалари буғланганда, C_{60} молекулаларининг ўз-ўзидан ташкилланишлари руй берди ва тўрт хил ўлчамдаги фуллерен mC_{60} нанокластерларини ўз ичига олган характерли халқалар (10-расм) шаклланди. Бу ҳолда томчидаги C_{60} нинг бошланғич концентрацияси ~0.36 г/л, томчи радиуси R≈3.0 мм, томчи баландлиги h≈1.9 мм ни ташкил этган. Хона ҳароратида томчи ҳажмидан эритувчилар (бензол ва ацетонитрил) аралашмасининг тўлиқ буғланиб кетиш вақти $\Delta t \approx 395$ секунд бўлди. Бу ҳолда mC_{60} кластерлари синтезида иштирок этмайдиган C_{60} молекулалари таглик сирти бўйлаб эритувчи билан биргаликда ҳаракатланади ва якунда қаттиқ доиравий диск шаклидаги «қуриган томчи» нинг марказий қисмида тўпланади.


11-расмда C_{60} фуллереннинг мувозанатли усулда тайёрланган «бензол+ацетонитрил» аралашмасидаги эритмасининг буғланаётган томчилари ҳажмида синтез қилинган mC_{60} нанокластерларининг АКМ тасвири берилган. Кўриниб турибдики, синтезланган mC_{60} кластерлари мономолекуляр ва зич тахланган бўлиб, диаметрдаги ўлчамлари ~25÷50 нм га тенг.

12-расмда шиша тагликнинг текис сиртида C_{60} фуллерен эритмаси томчисининг ҳажмидан органик эритувчи (ксилол) тўлиқ буғлангандан сўнг ҳалқа ичида синтезланган наноструктурали mC_{60} кластерларининг СЭМ тасвири кўрсатилган. Бу ҳолда дастлабки эритма мувозанатсиз усулда

тайёрланган. Кўриниб турибдики, C_{60} эритмаси томчисидан ксилол тўлиқ буғлангандан сўнг, таглик сиртида ҳам квазисферик, ҳам чўзинчоқ шарсимон (яъни, эллипсоидал) шаклдаги йирик ғовак mC_{60} кластерлари синтез қилинди (12*а*-расм).




10-расм. Слюда сиртида C_{60} фуллеренининг органик эритувчилар (бензол ва ацетонитрил) аралашмаларидаги эритмаси томчисидан эритувчилар иссиқликдан тулиқ буғланганда қаттиқ фазали заррачаларнинг якуний тақсимланиши.



11-расм. Слюда сиртида C_{60} нинг «бензол+ацетонитрил» аралашмаларидаги эритмаси томчиси буғланишида синтезланган зич тахланган mC_{60} кластерларининг АКМ тасвири.

Ҳалқага нисбатан тасодифий йўналган mC_{60} эллипсоид шаклидаги кластерларининг катта ва кичик ўқлари узунлиги мос равишда ~1900 нм ва ~1250 нм (12*в*-расм). Ушбу тасвирдан яққол кўриниб турибдики, синтез қилинган наноструктурали ва ғовак йирик mC_{60} кластерлар диаметри ~80÷220 нм бўлган кичикроқ оралиқ дискрет C_{60} кластерларидан иборат.




12-расм. (*а*) шиша тагликнинг текис сиртида C_{60} фуллерен эритмаси томчисининг ҳажмидан органик эритувчи (ксилол) тўлиқ буғлангандан сўнг ҳалқа ичида синтезланган наноструктурали mC_{60} кластерларнинг СЭМ тасвири; (*в*) белгиланган кластернинг катталаштирилган СЭМ тасвири. C_{60} фуллереннинг эритмадаги бошланғич концентрацияси ~0.24 г/л.

Горизонтал равишда ўрнатилган қаттиқ тагликнинг текис сиртида жойлаштирилган бир ва кўп компонентли эритувчилардаги C_{60} фуллерени

(ёки C_{70} фуллерени, углеродли нанотрубка) нинг эритмалари томчиларининг буғланиш хусусиятларини кўп марта микроскопик тадқиқ қилиш натижасида қўйидаги қонуниятлар аниқланди:

– тоза органик эритувчилар (бензол, толуол, тетрагидрофуран, …) нинг томчилари иссиқликдан буғланишда чегаравий бурчак α нинг қиймати сақланади (13*b*-расм). Бироқ, «томчи–таглик» контакт асоси юзасининг томчи тўла буғланиб кетгунича аста секин кичрайиши содир бўлади;

– агар томчи таркибида эриган модданинг молекуляр ёки коллоид заррачалари (C_{60}, C_{70} фуллеренлари, углеродли нанотрубка) бўлса (13*a*-расм), у ҳолда тубдан бошқача ҳолат содир бўлади – эритувчининг иссиқликдан буғланишида томчи асоси юзаси доимий сақланади. Бу ҳолатда «контакт чизиғи пиннинги» режими амалга ошади. Бундан ташқари, томчи чегаравий бурчаги α қиймати аста секин $\alpha \approx 0°$ гача камаяди.




13-расм. (*a*) шиша таглик сиртида C_{60} эритмасининг асоси диаметри $d_0 \approx 9.2$ мм бўлган томчиси фототасвири; (*b*) буғланаётган томчи ичида C_{60} фуллерени (ёки C_{70} фуллерени, углеродли нанотрубка) нинг ўз-ўзидан йиғилиши ва ҳаракат оқими схемаси.


